Financial and Economic Sustainability
FINECS ISSN-2181-1636 Vol. 3, Issue 2, March, 2023
https://finecs.net

БАНК ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАВСИФЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР, УЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ ВА ТАҲЛИЛИ

Xolmamatov Farhodjon Kubaevich
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, профессор
E-mail:fkholmamatov@gmail.com
ORCID: 0000-0003-4186-0691

АННОТАЦИЯ

Мақолада банк тизимининг барқарорлигининг назарий асослари, унинг иқтисодиётда тутган ўрни, банк тизими барқарорлигини ифодаловчи асосий ва қўшимча кўрсаткичларнинг тавсифи ва уларнинг амалий ҳолати таҳлил қилинган ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Шунингдек, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда хориж тажрибаси, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси тавсиялари ва барқарорликни ўлчаш кўрсаткичлари асосида мамлакат банк тизими тадқиқ этилган, банк тизими барқарорлигини ошириш бўйича таклифлар ва илмий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: банк тизими барқарорлигининг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари, банк капитали, банк захиралари, рискка тортилган активлар, левераж коэффициенти, муаммоли кредитлар ва улар учун ташкил этиладиган захиралар, активлар рентабеллиги, капитал рентабеллиги, банк харажатлари, банк даромадлари ва банк ликвидлилиги.

КИРИШ

Ўзбекистон банк тизимида барқарорликни таъминлаш мақсадида «Халқаро валюта жамғармаси кўмагида иқтисодиётда вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни аниқлаш, уларнинг банк тизими барқарорлигига таъсирини баҳолашга қаратилган стресс-тест моделларини ишлаб чиқиш» вазифаси белгилаб қўйилган.[1]

Ушбу мақолада тижорат банклари учун асосий ва қўшимча молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларнинг қандай ҳисобланишини кўриб чиқамиз. Халқаро амалиётда кўпгина молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ташқи аудиторлар томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботлардан олишни тавсия қилади.

Кўпгина молиявий барқарорлик кўрсаткичлари иккита асосий кўрсаткичнинг нисбати орқали аниқланади. Ҳисоблашда суръат ва махраж учун бир хил даврийликка эга бўлган маълумотлардан фойдаланиш керак, улар ҳисобланаётган нисбатга қараб, давр давомида тан олинган оқимлар, давр охири ёки ўртача давр позициялари бўлиши керак. Мамлакатлар кўрсаткичларни танлаб олишда ёки норматив ўрнатишда фарқ қилиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Бир қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи-олимлар “банкларнинг молиявий барқарорлиги” тушунчасига турлича таъриф беришган ва уларни атрофлича ёритишга ҳаракат қилишган.

АҚШлик иқтисодчи олим Ж.Синкининг фикрига кўра, “соф фоиз маржаси банк активлари миқдорига тескари пропорционал бўлиб, активлар рентабеллигига бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат кредитлар ва депозитлар бозоридаги рақобатнинг юқори даражада эканлиги билан изоҳланади”.[2] Фикримизча,

муаллифнинг ушбу фикрлари асосан бозор иқтисодиёти мамлакатлари ва инфляция даражаси паст бўлган банк тизими учун аҳамиятлидир.

К.Барлтроп ва Д.МакНотонларнинг банк тизимининг барқарорлигини таъминлашда “капиталлар бозори етарли даражада ривожланмаган мамлакатларда банк капиталини реал, аниқ баҳолашнинг имкони йўқ. Шу сабабли, тижорат банклари сунъий равишда юқори дивидендлар тўлайди. Бунда улар ўз капиталининг бозор қийматини ошириш мақсадини кўзлашади”, деган фикрни келтириб ўтишган.[3] Дарҳақиқат, банк тизими барқарорлигининг энг асосий кўрсаткичларидан бири бу капитал ҳисобланади, капиталнинг ҳақиқий баҳоси эса фонд бозорида шаклланади.

М.Бобрикнинг илмий тадқиқотларида “тижорат банкининг молиявий барқарорлиги – бу кредит ташкилотининг иқтисодиётда пул маблағларининг ҳаракатланиш жараёнига воситачилик қилиш имконини берадиган хизматлар кўрсатиш, молиявий ресурсларни самарали шакллантириш ва фойдаланиш орқали бизнес-жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлаш, ташқи ва ички омиллар таъсирида банк ўзининг иқтисодиётдаги вазифаларини бажара олиш қобилиятидир”, деган фикрни кўришимиз мумкин.[4] Фикримизча, муаллиф банк барқарорлигига банкнинг актив, пассив ва воситачилик операцияларини тўғри шакллантириш орқали эришиш мумкинлигини таъкидлайди.

Маҳаллий олимлардан О.Б.Сатторов “банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаш имконини берадиган даражани сақлаган ҳолатда, ривожланишга қараб интилишдир”, дея тарифлаган.[5] Олим банк тизимида юқори поғона (Марказий банк) ва қуйи поғона (тижорат банклари)лар фаолиятини мужассамлаштирган ҳолда олиб бориши орқали барқарорликни таъминлаш мумкинлигини келтириб ўтган.

Ф.Насриддиновнинг илмий тадқиқотларида банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда “банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг молиявий инструментлар, хусусан, барқарор ресурс жалб қилишни таъминловчи қимматли қоғозлар олди-сотдисини амалга ошириш учун кенг йўл очиш ва актив ва пассивлар муддати ҳамда ҳажми ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш” асосий ўрин эгаллашини қайд этиб ўтган.[6] Фикримизча, муаллифнинг таърифи банк молиявий барқарорлигидан кўра, банк ликвидлилигига кўпроқ мос келади, чунки банк актив ва пассивлар муддати ҳамда ҳажми ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш асосан банк ликвидлилигини таъминлашга хизмат қилади. Ваҳоланки, банк ликвидлилиги ҳам молиявий барқарорликнинг битта кўрсаткичидир.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Халқаро валюта жамғармаси молиявий барқарорликнинг энг муҳим кўрсаткичларини қамраб олувчи минимал тўплам бўлган тижорат банклари учун 17 та асосий ва 12 та қўшимча молиявий кўрсаткичларини тузишни тавсия қилади. Бироқ, молия секторининг барқарорлигини янада кенгроқ баҳолаш учун уларни қўшимча молиявий барқарорлик кўрсаткичлари билан ҳам тўлдириш керак.

1. Регулятив капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати кўрсаткичи.

Ушбу кўрсаткич тижорат банкларининг турли салбий ҳолатларга ва нохуш зарбаларга бардош бериши ва кутилмаган йўқотишларни қоплаш учун бўлган кучини ўлчайди. Ушбу кўрсаткич коэффициент бўлиб, унда суръат жами тартибга солувчи капитал (регулятив капитал), махраж эса рискка тортилган балансдаги ва балансдан ташқари активлардир.

Базель қўмитаси барча халқаро фаол банклар учун рискка тортилган активларнинг 8 фоизи миқдорида минимал тартибга солувчи капитални белгилади. Базель III капитални тежаш учун 2,5 фоизли буферни жорий этиш орқали ушбу минимал миқдорни самарали тарзда 10,5 фоизгача оширди. Миллий назоратчилар юқори нисбатни талаб қилиши ва ўз иқтисодиётлари учун махсус стандартларни белгилашда эркинликка эга бўлиши мумкин.

2. Биринчи даражали капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати кўрсаткичи.

Молиявий барқарорлик кўрсаткичи 1-даражали капиталининг рискка тортилган активларга бўлиниши Базель қўмитасининг асосий капитал концепциясига эътибор қаратади. 1-даражали капитал регулятив капиталнинг энг мустаҳкам ва тайёр турувчи қатлами ҳисобланади, чунки у доимий ва тўловга лаёқатсиз бўлган тақдирда даъволар иерархиясида охирги ўринни эгаллаб, йўқотишларни ўзлаштиради.

Регулятив капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати билан солиштирганда, ушбу молиявий барқарорлик кўрсаткичи йўқотишларни қоплаш учун энг эркин ва дарҳол мавжуд ресурсларни ўлчайди.

Мазкур кўрсаткич ҳам коэффициент бўлиб, унда сурат 1-даражали капитал, махраж эса рискка тортилган активлар кўринишида бўлади. Базель I ва Базель II доирасида 1-даражали минимал талаб рискка тортилган активларнинг 4 фоизини ташкил қилади, Базель III талаблари эса уни 6 фоизга оширди.

3. 1-даражали умумий капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати кўрсаткичи

1-даражали умумий капитал (CET1)нинг рискка тортилган активларга нисбати даражаси кўрсаткичи Базель III талаблари энг юқори сифатли капитал асосида ўлчайди. Базель III ни қабул қилмаган мамлакатлар ушбу кўрсаткични тузишлари шарт эмас. CET1 капиталнинг зарарларни энг кўп ўзлаштирадиган шакли ҳисобланади. Бу капитал банк фаолиятини давом эттиришда йўқотишларни ўзлаштириш учун мавжуд бўлган капитал миқдорининг ўлчовидир.

Ушбу кўрсаткич ҳам коэффициент бўлиб, унда суръат 1-даражали умумий капитал (CET1) капитали, махражда эса рискка тортилган активлар (RWA) бўлади.

4. 1-даражали капиталнинг активларга нисбати ва Базел III левераж коэффициенти кўрсаткичи

Молиявий барқарорлик кўрсаткичининг 1-даражали капиталнинг активларга нисбати молиявий левераж кўрсаткичини, яъни активлар ўз маблағларидан бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштирилганлик даражасини кўрсатади. Бу банк секторининг капитал етарлилигининг яна бир кўрсаткичидир. Бу коэффициент рискга асосланган капиталга бўлган талабларга қўшимча чора сифатида хизмат қилади. Коэффициентнинг салбий тенденцияси риск таъсирининг кучайиши ва капиталнинг етарлилиги билан боғлиқ мумкин бўлган муаммоларни кўрсатиши мумкин.

Ушбу кўрсаткич 1-даражали капитални жами (номолиявий ва молиявий) баланс активларига (рискни ҳисобга олмаган ҳолда) бўлиш орқали ҳисобланади.

5. Муаммоли кредитлар(NPL)га ажратилган захираларнинг капиталга нисбати кўрсаткичи

Молиявий барқарорликнинг ушбу кўрсаткичи муаммоли кредит ёки ишламайдиган ссудалар(NPL)га ажратилган захираларни капиталга бўлиш орқали ифодаланади ва муаммоли кредитларнинг муайян захиралар билан қамраб олинмаган қисмининг капиталга потенциал таъсирини ўлчаш учун мўлжалланган. Мазкур кўрсаткич суръатда муаммоли кредитлар қийматидан уларга нисбатан

махсус захиралар қийматини олиб ташлаш йўли билан ва махраж сифатида жами регулятив капиталини олиш орқали ҳисобланади.

6. Ишламайдиган (муаммоли) кредитларнинг ялпи кредитларга нисбати кўрсаткичи

Мазкур молиявий барқарорлик кўрсаткичи кредит портфелидаги активлар сифати билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш учун мўлжалланган бўлиб, коэффициентнинг ортиши банкларнинг кредит портфели сифатининг ёмонлашувидан далолат беради.

Ушбу молиявий барқарорлик кўрсаткичи муаммоли кредитлар ҳажмини суръат сифатида ва ссуда портфелининг умумий қийматини (шу жумладан ишламайдиган кредитларни ҳисобга олган ҳолда ва ссудалар бўйича зарарлар бўйича махсус захираларни чегириб ташлашдан олдинги) махраж сифатида ҳисоблаш орқали аниқланади.

7. Муаммоли кредитлар (NPL) бўйича захираларнинг муаммоли кредитларга нисбати кўрсаткичи

Молиявий барқарорлик кўрсаткичининг муаммоли кредитлар бўйича захиралари улар қай даражада махсус захиралар билан қамраб олинганлигини ўлчайди. Ушбу нисбат муаммоли кредитлар бўйича олдинги иккита молиявий барқарорлик кўрсаткичлари томонидан тақдим этилган маълумотни тўлдиради ва агар барча муаммоли кредитлар ҳисобдан чиқарилса, келажакда юзага келадиган йўқотишлар миқдорини ўлчашни таъминлайди.

Мазкур молиявий барқарорлик кўрсаткичи муаммоли кредитларга нисбатан махсус захираларнинг миқдорини суръат сифатида ва муаммоли кредитлар ҳажмини махраж сифатида олиш йўли билан ҳисобланади.

8. Иқтисодий фаолият бўйича кредит концентрацияси(жамланмаси)

Иқтисодий фаолият бўйича кредит концентрацияси маълум бир ички сектор ёки фаолиятда кредитнинг ҳаддан ташқари концентрацияси билан боғлиқ кредит рискини ўлчашга қаратилган. Иқтисодий сектор ёки фаолият учун жами кредит таъсирининг катта концентрацияси тижорат банклари ушбу соҳа ёки тармоқдаги фаоллик, нархлар ва рентабеллик даражасига нисбатан заифлигини кўрсатиши мумкин. Агар банклар ҳаддан ташқари кредит концентрациясига эга бўлган тармоқларда шароит ёмонлашса, уларнинг кредит портфелининг сифати ёмонлашади ва уларнинг молиявий барқарорлиги учун салбий оқибатларга олиб келади.

9. Активларнинг рентабеллиги (Return on Assets– ROA)

Кейинги молиявий барқарорлик кўрсаткичи активлар рентабеллиги (ROA) бўлиб, тижорат банкларининг жами активларга нисбатан рентабеллиги ҳақида маълумот беради ва банклар даромад олиш учун ўз активларини қанчалик самарали бошқаришини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич соф фойда ва жами (молиявий ва номолиявий) активларнинг коэффициентидир. Соф фойданинг энг мақбул таърифи солиқ тўлагунга қадар соф фойда таърифидир (pre-tax profit), чунки унга мамлакатлардаги турли солиқ ставкалари фарқлари таъсир қилмайди ва шунинг учун мамлакатлараро таққослашни осонлаштиради.

Активлар рентабеллиги маълум даврдаги соф фойданинг жами активларга нисбати бўлиб, ушбу кўрсаткич турли хил ҳисоблаш усуллари бўйича ҳисобланади.

10. Капиталнинг рентабеллиги (Return on Equity-ROE)

Капитал рентабеллиги (ROE) кўрсаткичи тижорат банкларининг капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ўлчаш учун мўлжалланган. Ушбу молиявий барқарорлик кўрсаткичи соф даромад (фойда) ва жами капитал ва захираларнинг коэффициенти бўлгани учун ҳар хил натижаларни берадиган ҳисоб-китобларнинг

турли усулларига боғлиқ. Халқаро валюта фонди солиқларни тўлашдан кейинги соф фойдани олишни тавсия қилади, чунки бу капиталлаштириш ва фойдани тақсимлаш учун мавжуд бўлган соф операцион даромадни кўрсатади.

11. Фоизли маржанинг ялпи даромадга нисбати кўрсаткичи

Ялпи даромадга нисбатан фоизли маржа ялпи даромаддаги соф фоиз даромадининг нисбий улушини (фоиз харажатларини чегириб ташлангандан кейинги фоизни) ўлчайди. Бу коэффициент банкларнинг воситачилик фаолияти (инвестициялар учун жамғармаларни сафарбар қилиш) натижасида олинган даромаднинг нисбий аҳамиятини кўрсатади. Ушбу барқарорлик кўрсаткичи фоизли маржанинг ялпи даромадларга нисбати орқали аниқланади.

12. Фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати кўрсаткичи

Молиявий барқарорликнинг фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати кўрсаткичи одатда қўшимча харажатлар ёки операцион харажатлар деб аталадиган воситачилик бўлмаган харажатлар ва ялпи даромад (фоиз маржаси ва фоизсиз даромад) ўртасидаги муносабатни ўлчайди. Кўпинча самарадорлик коэффициенти деб аталадиган ушбу молиявий барқарорлик кўрсаткичи операцион харажатларни қоплаш учун зарур бўлган ялпи даромаднинг бир қисми, шу жумладан ходимлар ва иш ҳақи харажатлари ҳақида маълумот беради.

Мазкур молиявий барқарорлик кўрсаткичи фоизсиз харажатларни суръат сифатида ва ялпи даромадни махраж сифатида қўллаш орқали ҳисобланади.

13. Ликвид активларнинг жами активларга нисбати кўрсаткичи

Ликвид активларнинг жами активларга нисбати кутилаётган ва кутилмаган пул (чиқим) оқимларини қондириш учун банклар учун мавжуд бўлган ликвидликни кўрсатади. Ликвидлик даражаси банк тизимининг ўзига хос молиялаштириш зарбаларига, шунингдек, глобал бозорнинг издан чиқишига қарши туриш қобилиятига таъсир қилади.

Ушбу барқарорлик кўрсаткичи ликвид активлар ўлчови суръат сифатида ва жами активлар махраж сифатида бўлиш орқали ҳисобланади.

14. Ликвид активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати кўрсаткичи

Ликвид активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати кўрсаткичи активлар ва мажбуриятларнинг ликвидлик номувофиқлигини аниқлаш учун мўлжалланган ва тижорат банкларининг ликвидлик муаммосига дуч келмасдан қисқа муддатли маблағларнинг олинишини қанчалик қондириши мумкинлигини кўрсатади.

Ушбу кўрсаткич ликвид активлар ўлчови суръат сифатида ва қисқа муддатли мажбуриятлар махраж сифатида фойдаланиш орқали ҳисобланади. Қисқа муддатли мажбуриятлар банк қарз мажбуриятларининг қисқа муддатли элементи (уч ой ёки ундан камроқ муддат ичида) ва молиявий деривативлар позициясининг соф бозор қиймати, ҳисобот берувчининг бошқа банклар олдидаги мажбуриятларини ҳам ўз ичига олган ҳолда.

15. Ликвидликни қоплаш коэффициенти кўрсаткичи

Базель III ликвидлик стандартларини жорий қилган юрисдикциялар ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати кўрсаткичини ҳамда ликвидликни қоплаш коэффициентини (liquidity coverage ratio-LCR) тузиши керак. LCR банкларнинг 30 кунлик ликвидлик стресси сценарийсидан омон қолиш қобилиятининг кўрсаткичидир. Суръат юқори сифатли ликвид активлар (инглз. High Quality Liquid Assets - HQLA) бўлиб, у стресс даврида ликвид бўладиган активлар ва идеал ҳолатда марказий банк ликвидлик воситалари учун мос гаров бўла олади. Махраж молиялаштиришнинг турли тоифаларига супервайзер томонидан белгиланган чиқим ставкаларини қўллаш натижасида келиб чиқадиган соф пул

чиқимлари ва стресс сценарийсида банкларни молиялаштириш манбаларининг мавжудлигига оид назоратчи томонидан белгиланган фаразлардир.

16. Соф барқарор молиялаштириш коэффициенти кўрсаткичи

Соф барқарор молиялаштириш коэффициенти (Net Stable Funding Ratio - NSFR) Базель III доирасида киритилган кўрсаткични такрорлайди. Бу банкларнинг бир йиллик муддатда бозорда содир бўладиган салбий ўзгаришларга қарши туриш қобилиятининг кўрсаткичидир. NSFRнинг суръати сифатида мавжуд барқарор молиялаштириш миқдори ва махражи сифатида зарур барқарор молиялаштириш миқдори олинади. Базель Қўмитасининг минимал талаби шундаки, бу нисбат доимий равишда камида 100 фоизга тенг бўлиши керак.

17. Соф очиқ валюта мавқеининг жами регулятив капиталга нисбати кўрсаткичи

Соф очиқ валюта мавқеининг жами регулятив капиталга нисбати кўрсаткичи тижорат банкларининг капиталга нисбатан валюта курси хавфига дучор бўлишини аниқлаш учун мўлжалланган. У банк секторининг валюта курслари ўзгаришига потенциал заифлигини баҳолаш учун хорижий валютадаги актив ва пассив позицияларининг мос келмаслигини (очиқ позициясини) ўлчайди.

Ушбу барқарорлик кўрсаткичини ҳисоблаш учун суръат балансдаги моддалар бўйича хорижий валютадаги соф очиқ позиция ёки афзал кўрилган ёндашувга кўра хорижий валютадаги умумий (шу жумладан балансдан ташқари) соф очиқ позициядан фойдаланган ҳолда ҳисобланади.

1-жадвал.

АТ Алоқабанкнинг асосий молиявий барқарорлик кўрсаткичлари[1], фоизда

№	Кўрсаткичлар номи	2018	2019	2020	2021	2022
1	Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	19,7	19,2	19,0	13,2	13,5
2	I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	18,1	15,8	16,0	11,4	10,1
3	Захиралар чегирилган ҳолда муаммоли кредитлар ва микроқарзларнинг регулятив капиталга нисбати	0,7	0,4	-0,2	13,6	6,6
4	I даражали асосий капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	18,1	15,8	16,0	11,4	10,1
5	I даражали капиталнинг жами активлар суммасига нисбати	16,8	15,2	15,6	10,7	9,1
6	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлар ва микроқарзларга нисбати	0,2	0,3	0,1	4,1	2,0
7	Махсус захираларнинг муаммоли кредитлар ва микроқарзларга нисбати	36,2	59,4	142,2	32,1	30,6
8	Активлар рентабеллиги	3,2	3,0	2,2	1,4	1,6

[1] АТ Алоқабанк йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

9	Капитал рентабеллиги	17,7	15,7	11,5	6,6	13,2
10	Фоизли маржанинг ялпи даромадга нисбати	72,6	75,1	74,7	65,5	53,6
11	Фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати	13,1	13,6	34,6	34,0	42,3
12	Ликвид активларнинг жами активларга нисбати	10,6	11,6	14,9	19,7	24,6
13	Ликвид активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати	30,4	27,7	33,6	36,2	38,6
14	Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти	151,2	142,9	191,4	110,9	226,8
15	Соф барқарор молиялаштириш меъёри	111,4	108,0	113,6	108,0	100,9
16	Соф очиқ валюта мавқеининг жами регулятив капиталга нисбати	2,4	6,3	7,7	7,4	12,9

Сўнгги беш йилда АТ Алоқабанкда регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати пасайиб бориш тенденциясига эга. 2018 йилда 19,7 фоиздан 2022 йилга келиб 13,5 фоизга қадар пасайган.

I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати эса 8,0 фоиз бандга пасайиб, 2022 йилда 10,1 фоизни ташкил этди.

Захиралар чегирилган ҳолда муаммоли кредитлар ва микроқарзларнинг регулятив капиталга нисбати кўрсаткичи 2021 йилда 13,6 фоизни ташкил этиши банкда муаммоли кредитларнинг ортганлиги билан изоҳланади. I даражали асосий капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати кўрсаткичи 2018 йилда 18,1 фоиздан 2022 йилда 10,1 фоизга қадар пасайганлигини кўриш мумкин. I даражали капиталнинг жами активлар суммасига нисбати 2018 йилда 16,8 фоиздан 2022 йилга 9,1 фоизга қадар пасайган.

Муаммоли кредитларнинг жами кредитлар ва микроқарзларга нисбати 2018-2020 йилларда барқарор пасайишни қайд этган бўлса, 2021 йилда 4,1 фоизга етган. 2022 йилда эса бироз пасайишга эришилганлигини ижобий баҳолаш мумкин. Махсус захираларнинг муаммоли кредитлар ва микроқарзларга нисбати нобарқарор ўзгариш тенденциясига эга бўлиб, 2020 йилда 142,2 фоиздан 2022 йилда 30,6 фоизга қадар пасайган.

Активлар рентабеллиги 5 йил ичида 2 мартага пасайган, 2018 йилдаги 3,2 фоиздан 2022 йилда 1,6 фоизга тушган. Ўз навбатида капитал рентабеллиги 17,7 фоиздан 13,2 фоизга қадар пасайган.

Фоизли маржанинг ялпи даромадга нисбати 72,6 фоиздан 53,6 фоизга қадар пасайган. Хулоса қилишимиз мумкинки, банк даромадлари таркибида фоизли даромадларнинг улуши камайган.

Ликвид активларнинг жами активларга нисбати кўрсаткичи 2022 йилда 24,6 фоизни ташкил қилган. Ликвид активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти эса 226,8 фоизга тенг бўлган. Мазкур коэффициентнинг Марказий банк томонидан ўрнатилган минимал даражаси 100 фоизга тенг бўлиб, 2,2 марта ортиғи билан бажарилган. Соф барқарор молиялаштириш меъёри 100 фоиздан ортиқ бўлиб, минимал талаб бажарилган.

Соф очиқ валюта мавқеининг жами регулятив капиталга нисбати эса кескин ўсишни қайд этган, яъни 2018 йилда 2,4 фоиздан 2022 йилда 12,9 фоизга қадар ортган.

Банклар учун қўшимча молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

1. Йирик таваккалчилик ҳажмининг I даражали регулятив капиталга нисбати кўрсаткичи

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари йирик капиталга бўлган таъсирлари кредит рискининг концентрациясидан келиб чиқадиган заифликларни аниқлашга мўлжалланган. Йирик экзпозицияларнинг таҳлили агар бир нечта контрагентлар ўз мажбуриятларига хизмат кўрсатишда қийинчиликларга учраса, молиявий институтларнинг капиталига таъсир қилиши мумкин бўлган салбий оқибатларни аниқлашга қаратилган.

Ушбу молиявий барқарорлик кўрсаткичлари катта таъсирлар қийматини нумератор сифатида ва 1-даражали капитални махраж сифатида олиш орқали ҳисобланади. Катта зарарлар депозиторлар капиталининг белгиланган фоизидан ошиб кетадиган бир хил контрагент ёки боғланган контрагентлар гуруҳига бир ёки бир нечта кредит таъсирларини билдиради.

2. География жиҳатдан тақсимланган кредитларнинг жами кредитларга нисбати кўрсаткичи

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари кредитларнинг жами кредитларга нисбатан географик тақсимоти мамлакатларнинг минтақавий гуруҳлари бўйича географик тақсимоти ҳақида маълумот беради. Бу бир гуруҳ мамалакатларга таъсир қилиш натижасида юзга келадиган кредит рискини мониторинг қилиш имконини беради. Ушбу молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг суръати турли географик минтақаларга берилган кредитлар, махражи эса жами ялпи кредитлар ҳисобланади.

3. Активлардаги молиявий ҳосилавий инструментлар ялпи мавқеининг жами регулятив капиталга нисбати кўрсаткичи

Молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг активлардаги молиявий ҳосилавий инструментлар ялпи мавқеининг жами регулятив капиталга нисбати банкларнинг молиявий деривативлар соҳасидаги актив позицияларнинг капиталга таъсирини ўлчаш учун мўлжалланган. Жами активлар позицияси молиявий дериватив активларнинг бозор баҳосини капиталга нисбати кўринишида ҳисобланади. Капитал эса жами регулятив капитал қилиб олинади.

Молиявий деривативлар умумий олганда форвардлар, фьючерслар, опционлар, валюта ёки фоиз ставкасининг свопларини ҳамда бошқа бир нечта деривативларни ўз ичига олади.

4. Мажбуриятлардаги молиявий ҳосилавий инструментлар ялпи мавқеининг жами капиталга нисбати кўрсаткичи

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари мажбуриятлардаги молиявий ҳосилавий инструментлар ялпи мавқеининг жами капиталга нисбати молиявий деривативлардаги депозиторларнинг мажбуриятларининг капиталга нисбатини ўлчаш учун мўлжалланган.

Олдинги кўрсаткичга сингари, ушбу молиявий барқарорлик кўрсаткичлари молиявий дериватив мажбуриятларининг бозор баҳосининг жами регулятив капиталга нисбати кўринишида ҳисобланади.

5. Тижорат операцияларидан олинган фойданинг ялпи даромадга нисбати кўрсаткичи

Тижорат операцияларидан олинган фойданинг ялпи даромадга нисбати банклар даромадларининг молиявий бозор фаолиятидан, шу жумладан валюта

савдосидан олинган улушини олиш учун мўлжалланган ва шу билан бизнес моделидаги рискларни баҳолашда ёрдам беради.

Бу молиявий барқарорлик кўрсаткичлари молиявий инструментлардаги фойда ва зарарларни жами даромадга нисбати кўринишида ҳисобланади.

6. Ходимларга қилинган харажатларнинг фоизсиз харажатларга нисбати кўрсаткичи

Ходимларга қилинган харажатларнинг фоизсиз харажатларга нисбати жами фоизсиз харажатлардаги ходимлар харажатлари миқдори ҳисобланади (операцион ёки умумий харажатлар). Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари депозиторлар самарадорлиги ва унинг вақт ўтиши билан эволюциясини ўлчайди. Турли банк бизнес моделлари турли хил ходимлар даражасини талаб қилади, шунинг учун бу нисбат кўп жиҳатдан ҳисобот берувчи аҳоли таркибига киритилган моделлар аралашмасига боғлиқ бўлади.

7. Ўртача тортилган кредит ва депозит ставкалари орасидаги спред кўрсаткичи

Бу спред банклар томонидан олинган воситачилик даромадининг кўрсаткичини беради. Кредит бериш ва депозит ставкалари ўртасидаги фарқлар депозиторлар соф фоиз даромадлари тенденцияларининг кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Юқори даражадаги спредлар банклар учун камроқ рақобатбардош босиминини кўрсатиши, гаров таъминотининг етарли эмаслиги ёки суд тизимининг заиф ҳимояси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бу молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ўртача ссуда ставкаси ва депозитларнинг ўртача тортилган ставкаси ўртасидаги фарқдир, банклар ўртасидаги кредитлар ва депозитлар бўйича ҳиосбланган фоизлар бундан мустасно.

8. Энг юқори ва энг паст банкларараро ставкалар орасидаги спред кўрсаткичи

Энг юқори ва энг паст банкларараро ставкалар орасидаги спред базис пунктларда депозиторлар ўртасида кредитлашнинг сезиларли рискининг кўрсаткичидир. Банкларараро бозорда қарз олиш бу банк ликвидлилиги ва банкларараро ставкаларнинг энг асосий манбаи ҳисобланади. Банкларараро ставкалар маҳаллий банкларараро бозорда депозиторларни пул маблағларини, яъни бошқа депозиторларнинг кредит олиш нархини ҳисоблайди. Турли хил кредит риски профилларига эга бўлган қарз олувчилар ўртасидаги каби фоиз ставка спредлари молиявий тизим орасидаги сезиларли риск даражасини аниқлашга ёрдам беради. Спредларнинг ўсиши стресс остида (ликвидлик ёки тўлов қобилияти билан боғлиқ муаммолар) банкларга тўланадиган риск мукофотининг ортиб бораётганини кўрсатади.

Энг юқори ва энг паст банкларараро ставкалар базис пунктларда ҳисобланади. Банкларараро ставкалар одатда қисқа муддатли характерга эга.

9. Мижозлар депозитларининг жами кредитларга (банкларараро кредитлардан ташқари) нисбати кўрсаткичи

Мижозлар депозитларининг жами кредитларга (банкларараро кредитлардан ташқари) нисбати кўрсаткичи мижоз депозитлари орқали молиялаштирилган банкларнинг жами кредитларини ҳисоблайди. Улар одатда банкларараро бозор орқали улгуржи молиялаштиришга қараганда барқарор ҳисобланади. Барқарор депозитлар кредитларга камроқ боғлиқ бўлиб, молиялаштириш риски каттароқ бўлади. Депозиторлар портфоилиоси учун ўзгарувчан молиялаштиришга кўпроқ боғлиқлик бўлади.

Бу кўрсаткични ҳисоблашда мижоз депозитларини суръатда ва нобанкларараро кредитларни махраж сифатида ишлатиш орқали ҳисобланади.

10. Хорижий валютада берилган кредитларнинг жами кредитларга нисбати кўрсаткичи

Хорижий валютадаги кредитларнинг жами кредитларга нисбати банкларнинг валюта курси рискининг бир томонини ўлчайди. Ушбу молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, хорижий валютадаги кредитлар умумий кредитлашнинг муҳим қисмини ташкил этадиган мамлакатлар учун жуда муҳимдир. Валюта курсининг ўзгариши ушбу кредитнинг миллий валютадаги эквивалент қиймати бўйича даромад ёки зарарни келтириб чиқаради. Шунингдек, маҳаллий қарз олувчиларнинг ўз кредитларига хизмат кўрсатиш қобилияти билан боғлиқ кредит рискининг ошиши сабабли, катта девалвациялар ёки хорижий валюта тушумларининг етишмаслиги шароитида хорижий валютадаги кредитларнинг резидентларнинг жами кредитларига нисбатини кузатиш муҳимдир.

11. Хорижий валютадаги мажбуриятларнинг жами мажбуриятларга нисбати кўрсаткичи

Чет эл валютасидаги мажбуриятларнинг умумий мажбуриятларга нисбати жами мажбуриятлар доирасида хорижий валютада маолиялаштиришнинг нисбий аҳамиятини ўлчайди. Бу кўрсаткич чет эл валютасидаги кредитларнинг жами кредитларга нисбати билан биргаликда ҳисобланиши керак. Айирбошлаш ставкасининг ўзгариши миллий валютадаги эквивалент қиймати бўйича даромад ёки зарар келтириши мумкин. Ушбу молиявий барқарорлик кўрсаткичлари хорижий валютадаги мажбуриятлар суръатда жами қарздорлик ва молиявий дериватив мажбуриятлари йиғиндиси ва молиявий дериватив активлар айирмаси махражда ҳолатида ҳисобланади.

12. Хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ўсиши кўрсаткичи

Хусусий секторга нисбатан кредит ҳажмининг ўсиши пайдо бўлаётган тизимли рискларни қамраб олишга мўлжалланган ва депозиторлар секторидаги потенциал активлар сифати муаммолари ва ўзгаришларининг истиқболли кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кредитнинг тез суръатларда кенгайиши, баъзида банкларнинг кредит рискларини баҳолаш имкониятларидан ошиб кетиши мумкин, бу эса активлар сифатининг пасайишига ва тўловни тўлаш эҳтимолининг ошишига олиб келади. Кредитнинг тез ўсиши, шунингдек, портфелдаги рискнинг ошишига олиб келадиган андеррайтинг стандартларининг ёмонлашувининг кўрсаткичи бўлиши мумкин.

2-жадвал.

АТ Алоқабанкнинг қўшимча молиявий барқарорлик кўрсаткичлари[2], фоизда

№	Кўрсаткичлар номи	2018	2019	2020	2021	2022
1	Йирик таваккалчилик ҳажмининг I даражали регулятив капиталга нисбати	87,6	87,7	81,4	123,3	155,5
2	Активлардаги молиявий ҳосилавий инструментлар ялпи мавқеининг жами регулятив капиталга нисбати	0,0	0,0	0,1	0,4	0,0
3	Мажбуриятлардаги молиявий ҳосилавий инструментлар ялпи	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

[2] АТ Алоқабанк йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

	мавқеининг жами капиталга нисбати					
4	Тижорат операцияларидан олинган фойданинг ялпи даромадга нисбати	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
5	Ходимларга қилинган харажатларнинг фоизсиз харажатларга нисбати	198,6	196,3	103,7	111,8	77,4
6	Мижозлар депозитларининг жами кредитларга (банклараро кредитлардан ташқари) нисбати	73,8	87,0	86,4	88,8	84,5
7	Хорижий валютада берилган кредитларнинг жами кредитларга нисбати	16,7	30,6	33,7	38,3	38,6
8	Хорижий валютадаги мажбуриятларнинг жами мажбуриятларга нисбати	31,5	41,1	42,2	45,0	40,7

Банкларда йирик таваккалчилик деганда банк биринчи даражали капиталининг 10 фоизи ва ундан юқори бўлган қарзларга айтилади. АТ Алоқабанкда унинг кўрсаткичи деярли икки марта ортган ва 2022 йилга келиб 155,5 фоизни ташкил этган.

Мижозлар керидтлариниг жами кредитларга нисбати 80 фоиздан юқори эканлигини ижобий баҳолаш мумкин.

Хорижий валютада берилган кредитларнинг жами кредитларга нисбати 2,2 мартага ортган ва 2023 йилга келиб 38,6 фоизга етган. Хорижий валютадаги мажбуриятларнинг жами мажбуриятларга нисбати эса 40 фоиздан ортган. Бу ҳолат валюта рискларини келтириб чиқариши мумкин.

ХУЛОСА

Банк тизимининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни тадқиқ ва таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Халқаро валюта жамғармаси молиявий барқарорликнинг энг муҳим кўрсаткичларини қамраб олувчи тижорат банклари учун 17 та асосий ва 12 та қўшимча молиявий кўрсаткичларини тузишни тавсия қилади. Мамлакат банк тизимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур кўрсаткичларни ўзгартириши мумкин;

банк тизими барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар турли иқтисодчи олимлар томонидан назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган ва банк тизими хусусиятлари ва омиллари нуқтаи назаридан ўз фикрларини асослаган;

энг асосий молиявий барқарорлик кўрсаткичларидан бири ҳисобланган рентабеллик кўрсаткичлари 2018-2022 йилларда АТ Алоқабанкда пасайишни қайд этган. Ушбу пасайишга асосан 2 та омил таъсир кўрсатган: банкнинг фойдаси ва капитал(актив)ларнинг умумий суммаси.

тадқиқ қилинган даврда банкнинг асосий ва барқарор даромад манбаи ҳисобланган фоизли даромадлари камайганлиги банк учун салбий ҳисобланади.

соф очиқ валюта мавқеининг жами регулятив капиталга нисбати кескин ўсишни қайд этганлиги банкда валюта рисклари ортишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан битта валюта бўйича очиқ мавқеига нисбатан 10 фоиз, жами валюталарга 20 фоиз минимал талаб ўрнатилган.

Тадқиқот ва таҳлил натижаларига асослани, банк тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

банк тизими капитал базаси барқарорлигини таъминлаш, капитал миқдорини доимий ошириб бориш, капитал етарлилик даражаларининг халқаро нормаларига мувофиқлигини таъминлаш ва унга қатъий амал қилиш;

муаммоли кредитлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, уларга талаб этилган захира ажратиш меъёрини таъминлаш, кредит портфели сифатини ошириб бориш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

банк тизимидаги тизимли рискларни тартибга солиш ва назорат қилиш бўича комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш, уларни бошқаришда сценарийли моделлаштиришдан фойдаланиш ва стресс-тестлаш амалиётини ривожлантириш;

инновацион банк хизматларини такомиллаштириш орқали банк даромадларини ошириш, харажатларни оптималлаштириш орқали банк рентабеллик кўрсаткичларини ўсишини таъминлашга эришиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармонининг иловасини 117 банди.

Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг/ Джозеф Синки-мл.; Пер. с англ. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. -С. 339-340

Барлтроп К., МакНотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Том II. Интерпретация финансовых отчетов. -Вашингтон, Д.С. – ИЭРМБ, 1994. –С.133

Бобрик М.А. О финансовой устойчивости коммерческих банков // Банковское дело. – Москва, 2012. - №7. -С. 45.

Сатторов О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Тошкент, 2018.-46 б.;

Насриддинов Ф.З. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини бахолашнинг халқаро стандартлари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил. – Б. 1-8.

O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankning ma'lumotlari